

1- мавзу: КИРИШ. СУҒОРИЛАДИГАН ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ (1 соат)


Режа:

- 1.Экинларини суғориш ва суғориш тизимларидан фойдаланиш фанининг мазмуни ва вазифалари.
- 2.Суғориладиган деҳқончилик ва суғориш тизимларидан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи ва ривожлантириш истиқболлари.
- 3.Жаҳон мамлакатларида суғориладиган деҳқончилик.
- 4.Суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришда атоқли олимларнинг хизматлари.
- 5.Минтақадаги сув хўжалик муаммолари.
- 6.Сувдан фойдаланишни тартибга солувчи қонун ва меъёрий ҳужжатлар.

ЭКИНЛАРИНИ СУҒОРИШ ВА СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ

Экинларини суғориш ва суғориш тизимларидан фойдаланиш – суғориладиган деҳқончиликнинг умумий масалалари, сув ресурслари ва ундан оқилона фойдаланиш, сувлар сифати, тупроқ ва ўсимликларнинг сув режимлари ва уни бошқариш, суғориш турлари, ноўсув давридаги суғоришлар, суғориладигани ерларни районлаштириш, иқлим минтақалари, гидрогеологик ва гидромодуль районлар бўйича экинларни суғориш режими ва ўлчамлари, суғоришнинг истиқболли усуллари ва техникасидан ҳамда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғоришни ташкил этиш ва амалга ошириш, суғориш тизимларини ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш, тизимни такомиллаштириш, механизациялаш ва автоматлаш, уларни қайта қуриш ва фаолиятини яхшилаш, сув ўлчаш ва тақсимлаш, тизимда сув исрофгарчилигига қарши кураш, сувдан фойдаланиш режаларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш, сув ҳисоб-китобини олиб бориш каби масалаларни ўрганади.


РЕСПУБЛИКАДА АҲОЛИ СОНИ, СУҒОРИЛДАДИГАН ЕРЛАР МАЙДОНИ ВА СУҒОРИШ МАҚСАДЛАРИДА СУВ ОЛИШ ДИНАМИКАСИ



**XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА МИНТАҚАДА СУҒОРИШНИ ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНТИРИШ (Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Шеробод, Марказий
Фарғона чўллари, Қорақум ва Қизилқум каналлари районларини
ўзлаштириш) СИРДАРЁ ВА АМУДАРЁДАН СУВ ОЛИШ МИҚДОРINI
КЕСКИН ОРТИШИГА ОЛИБ КЕЛДИ.**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА СУВ ИСТЕЪМОЛИ КЎЛАМИ



РЕСПУБЛИКАДАГИ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИДА СУВ ИСРОФГАРЧИЛИГИ ВА ТИЗИМНИНГ ФОЙДАЛИ ИШ КОЭФФИЦИЕНТИ

Умумий майдон: суғориладиган деҳқончилик – 4,276 млн га; лалми деҳқончилик – 0,743 млн га;

Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97 % суғориладиган ерларда етиштирилмоқда;



Суғориш тизимларининг такомиллаштирилмаганлиги, карта суғориш тизимида сув ўлчаш ишларининг етарлича тўлиқ тадбиқ этилмаганлиги, суғоришнинг тежамли усул ва техникаларининг кенг жорий этилмаганлиги оқибатида суғориш мақсадларида олинаётган сувнинг 36–40 % (16–18 км³/йил) беҳуда исроф бўлиб кетмоқда. Суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициенти республика бўйича ўртача 0,60–0,64 (1960 йил – 0,40) ни ташкил этмоқда;

Республика бўйича солиштирама сув сарфи меъёрдаги 8–10 минг м³/га ўрнига 13–14 минг м³/га (1960 йил – 20 минг м³/га) ни ташкил этмоқда.

ҚАДИМДА СУҒОРИШ СУВИНИ ЮҚОРИГА КЎТАРИБ БЕРИШ
УЧУН ЧИҒИРЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИЛГАН:

1 – СИЗОТ СУВИНИ КЎТАРИБ БЕРУВЧИ ВА


2 – ДАРЁДАН СУВНИ КЎТАРИБ БЕРУВЧИ ЧАРХПАЛАК



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВИЛОЯТЛАР БЎЙИЧА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР КЎЛАМИ

Вилоятлар	минг га	Вилоятлар	минг га
Республика бўйича	4 244	Наманган	278,2
Қорақалпоғистон	500,1	Самарқанд	370,3
Андижон	264,5	Сурхондарё	328,2
Бухоро	273,8	Сирдарё	288,6
Жиззах	300,5	Тошкент	385,2
Қашқадарё	497,7	Фарғона	356,8
Навоий	127,4	Хоразм	270,1

ОРОЛ ДЕНГИЗИ АКВАТОРИЯСИНИНГ ЎЗГАРИШИ (1961 –2000 ЙИЛЛАР)





1 – денгизнинг 1961–1986 йиллар давомида қуриган акваторияси (денгиз олди типик шўрхоклар); 2 – денгиз туби чўкмаларини шамол ёрдамида тарқалиши туфайли қирғоқ бўйлаб вужудга келган қумликлар; 3 – собиқ Оқпеткин архипелаги қум-шўрхок комплекси; 4 – козоқдарё, КС-1, КС-3 ва КС-4 магистрал коллекторларининг суви ҳисобига вужудга келган Ёлтирбош кўл-ботқоқ комплекси; 5 – 2000 йил денгиз акваторияси; 6 – Орол денгизи ороллари (1961 й.).

1960–2002 ЙИЛЛАРДА ОРОЛ ДЕНГИЗИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ


Кўрсаткичлар	Йиллар							
	1960	1976	1991	1994	1997	2000	2001	2002
Сув сатҳи, м	53,4	48,3	37,7	36,6	36,6	33,2	32,1	30,9
Майдони, минг км ²	68,9	55,7	35,1	32,5	32,5	23,9	21,1	18,1
Сув ҳажми, км ³	1063	730	302	250	250	167	142	119

СЦЕНАРИИ ВОДОПОТРЕБЛЕНИЯ В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ



- оптимистический
- промежуточный
- сохранение существующего положения

ДЕГРАДАЦИЯ АРАЛЬСКОГО МОРЯ (без изменения климата)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРНИ СУҒОРИШДАГИ СУВНИНГ ТАННАРХИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Республика ва вилоятларнинг номи	Амалда суғориладиган майдон, минг га	Жами олинган сув миқдори, млн. м ³	1 м ³ сувни етказиб бериш ҳаражатлари
	2010 йил учун		2011 йил учун
Қорақалпоғистон	515	8221	5,6
Сурхондарё	325	4300	25,0
Қашқадарё	515	5992	45,7
Бухоро	275	4249	37,1
Навоий	136	1709	27,7
Самарқанд	379	3516	12,1
Хоразм	244	4494	5,6
Андижон	274	2971	20,0
Наманган	274	2974	36,1
Фарғона	362	3819	13,3
Жиззах	287	2750	15,1
Сирдарё	251	2770	6,2
Тошкент	397	3823	5,6
Республика бўйича	4232	51588	19,7